

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

28 февраль, жума, 1997 йил
Сотувида эркин нархда. № 45 (1562)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини янада бойитиш, уларнинг умумбашарий қадриятлар, инсониятнинг маънавий мероси дурдоналаридан баҳраманд бўлишлари, ҳар томонлама камол топишлари учун шароит яратиш, кенг жамоатчиликни илгор жаҳон адабиёти ва санъатининг нодир намуналари билан мунтазам таништириб бориш ва адибларимизнинг халқро алоқаларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва Ёзувчилар уюшмасининг «Жаҳон адабиёти» ойлик журналин ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. «Жаҳон адабиёти» журналі тахририяті зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

-- жаҳон адабиётидаги истижқол голярига мос ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак голяларни улуғовчи, турли миллатларнинг серқирра ҳаётини теран образларда ҳаққоний акс эттирувчи бадиий баркамол асарларни чоп этиш орқали халқимизнинг, айниқса, ёш авлодининг маланий юксалиши, миллий тафаккурининг таомиллашиши учун маънавий муҳит ҳозирлаш;

-- илгор хорижий давлатлар нашриётлари, тахририятлари, йирик адабиёт намоёндалари билан ижодий алоқалар ўрнатиш, журналхонни чет эл адабиётининг ёрқин намуналари билан таништириб бориш;

-- жаҳондаги адабий-бадиий жараёни ҳолис ва ҳаққоний тахлил қилиш орқали Ўзбек адабиётининг янги ижодий таҳрибалар орттириши учун шароит яратиш;

-- журнал ишига энг тахрибали таржимонларни жалб қилиш, маҳоратли танқидчилар ва таржимонлар мактабини яратиш;

-- ўзбек ва жаҳон адабиёти, санъати намоёндаларининг ҳамкорлигини, халқлар ўртасидаги дўстлик ва маланий алоқаларини янада кенгайтирувчи тадбирлар ўтказишга бош-қош бўлиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва муассислар Меҳнат вазирлиги, республика Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги билан биргаликда бир ой муддатга:

«Жаҳон адабиёти» журналининг низомини ишлаб чиқсин;

журналнинг ҳажми, даврийлиги, тахир ҳайъати, ҳодимлари штат ҳалвали, улар-

нинг ойлик маошлари, журнал қалам ҳақи миқдорини белгиласин;

журнал нашри учун керакли қоғоз ва бошқа моддий-техника таъминоти ҳамда обуна масалаларини ҳал этсин;

журнал жамоаси фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб берсин.

4. Журнал тахририяти Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уйга жойлаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

муассислар тақдим этган ҳисоб-китоб асосида 1997 йилдан бошлаб ҳар йили ушбу журналга обунадан тушадиган маблағ билан нашр этишга сарфланадиган харажатлар тафовутини молиявий таъминлаш учун давлат бюджетидан тегишли маблағни ажратишни қўзда тутсин;

тахририятга битта енгил автомобиль харажатларига лимит ажратсин;

пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси «Жаҳон адабиёти» журнаliga хорижий давлатлар даврий нашрларига обуна бўлиш, чет мамлакатларда чоп этилган адабиёт ва санъат асарларини сотиб олиш, хорижлик муаллифларга қалам ҳақи тўлаш, қоғоз ва бошқа матбаа ашёларини харид қилиш учун зарур бўлган маблағларни эркин алмаштириладиган валютага белгиланган тартибда айирбошлашни таъминласин.

6. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки журнал тахририятининг миллий ва чет эл валютасидаги ҳисоб-китоб сечтларини очсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфларидаги муассасалар, олий ўқув ва илмий-текшириш институтлари имкониятларини сафарбар қилиб, журналда чоп этиш учун асарлар танлаш, уларни баҳолаш ҳамда нашрга тайёрлашда, шунингдек, чет мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашда тахририятга ёрдам берсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги журнал тахририятини намоёнавий, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш бош вазирнинг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 февраль



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР -- ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Илгари хабар берилганидек, 24 февраль куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда бошқа масалалар қатори Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1996 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот қўриб чиқилди.

Республика парламенти депутатларига юборишга ҳамда ҳисобот тарикасида Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилинган мазкур ҳужжатда таъкидланганича, Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик тўйи нишонланган ўтган йил давлат ва жамиятнинг ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентини ўтган йилнинг августда Олий Мажлисининг VI сессиясида бу босқични демократияни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш босқичи тарикасида таърифлашди, бу бутунги кунда давлатимиз ижтимоий

турмушида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг устувор йўналишлари бўлиб қоламоқда.

Ана шу устуворликлар Олий Мажлисининг қонунчилик фаолиятида ўзининг аниқ ҳуқуқий ифодасини топтоқда. Хусусан, парламент томонидан қабул қилинган сиёсий партиялар тўғрисидаги, адвокататура ва нотариат тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ижтимоий-сиёсий турмушини янада демократлаштиришга ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни қучайтиришга қаратилган. Ошкораликни қучайтириш ва ижтимоий турмушда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга доир қонунчилик тадбирлари қўрилмоқда. «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонуннинг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўли изчил ўтказиб келинмоқда. Худди шу мақсадда ўтган йили банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, қимматли қорозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисидаги, эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва бошқа бир қанча муҳим қонунлар қабул қилинди.

Ижтимоий сиёсатнинг қонунчилик асоси мустақамлашмоқда, фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон мустақил ташқи сиёсатининг ҳуқуқий базаси қучайтирилди, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари

тўғрисида»ги Қонун, бошқа бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Олий Мажлисининг парламентларо алоқалари мустақамлашди ва ривожланиб бораётганлиги халқро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътибори орттиришга олиб келмоқда.

Янги вазифаларни амалга ошириш парламент фаолиятида янгича ёндашувлар, янгича шакл ва усуллари тақозо этмоқда. Олий Мажлисининг 1996-1999 йилларга мўлжалланган Фаолият дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, унда қонунчиликнинг асосий йўналишлари билан бир қаторда қўмиталар ва комиссияларнинг, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг назорат-тахлил ишларини қучайтириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Янги мақсадларни рўйга чиқаришга қаратилган йирик ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов ташаббуси билан жамиятимизни янада демократлаштириш масалалари бўйича Олий Мажлис Раиси бошчилигида республика комиссиясининг тузиллиши парламент фаолиятида бутунлай янги жиҳат бўлди. Республика қонун чиқарувчи олий органи депутатлари қатори унинг таркибига вазирлар ва идораларнинг, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, матбуот, сиёсий партиялар ва фуқаролар жамоат бирлашмаларининг вакиллари кирди. Шундай қилиб, биринчи марта ҳокимиятнинг барча тармоқлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан ширатли равишда уларнинг қуч-қайратини ижтимоий ривожланишининг энг устувор йўналишларига, яъни демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг эркинликларини қаролатиш ва ҳимоясини қучайтиришга жамлаш имконини берадиган жамоатчилик асосидаги орган

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши сессиясида юртбошимиз И. Каримов ўзбек миллий санъати ривожига катта ҳисса қўшаётган қўқонлик машҳур наққош Саидахмад Маҳмудов меҳнатига катта баҳо берганди.

60 йилдан буён ажойиб халқ амалий санъати — наққошликни эъозлаб келадиган отахон фарзандлари ва шоғирдлари билан Қўқон хонлиги ўрласини хайрия сифатида таъмирлаб бергани учун эл озгига тушди, ҳурмат-эътибор топди.

Яқинда отахон Президентимизга миннатдорчилик мактубини йўллаган эди. Юртбошимиз халқ ҳунармандлигининг раҳматнома хатига миннатдорчилик билдириб, унга ўз совғасини юборди. Президент совғаси-Хива гилами ва зарбоф чопонини отахонга Фарғона вилоят ҳокими Нўрмономжон Мўминов ва Қўқон шаҳар ҳокими Ҳожиқул Мавлонқуловлар топширишти.

Кекса наққош ўзига, фарзандлари, шоғирдлари ва камтарона меҳнатига билдирилган катта эҳтиром ва эътибор учун юртбошимизга миннатдорчилик билдирди.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яқинда Ховосдаги дон маҳсулотлари комбинати қошида «Ховосдон» кичик корхонаси иш бошлади. Бу ерда ҳзти-ҳзга қараб кунига 20 хилдаги дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Айни пайтда корхона кечая кундўз фаолият кўрсатмоқда. Замонавий «Виллар» тандирларидан чиқаётган нонлар жуда сифатли, арзон. Тайёр маҳсулотларнинг бир қисми Ховос ва Янгиер шаҳарлари аҳолисига етказиб бериляпти.

СУРАТДА: корхона ишчилари Д. Қурбонова, Ш. Халиқбердиев, И. Ҳайитбоев, А. Мурзаева.

Б. Тўраев (ЎзА) олган сурат.

ХАБАРЛАР ОКИМИ

СИФАТЛИ ВА АРЗОН

Касби туманидаги Комилон кишлоғида истикомат қилувчи тадбиркор Қажрамон Болтаев кичик корхона очди.

Унинг таркибиде аккумулятор ва автомобиль шиналарини таъмирлаш пехлари иш бошлади. Кичик корхона усталари жамма ва дехон (фермер) хўжалиқлари оғирини енгил қилиш мақсадида мавжуд техникани экиш мавсумига тайёрлашда яқиндан ёрдам қилиштиради.

Янги хизмат турининг сифати ва арзонлиги қўқонликка маъқул тушаётди.

П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АЭРОПОРТ ТАЪМИРЛАНАДИ

Бухорои шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи нишонланадиган октябрь ойига шаҳар аэропорти қайта таъмирланадиган бўлди.

Бу вазифани амалга оширишни Япониянинг шаҳона машҳур «Митсубиси» компанияси ўз зиммасига олди. Яқинда мазкур компания мутахассислари Бухорога келиб, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Бухоро бўлимида ҳисоб рақамини очиб, офис ҳамда хизматчилар учун турар жой ажратиб қилинган боғиқ масалаларни ҳал этишди.

Тез қунларда эса Бухоро аэропортида иш бошланади. Лойиҳада замонавий аэропорт биносини қуриш ва хорижий сайёҳлар учун жаҳон талабларига жавоб берадиган шарт-шароит яратиш қўзда тутилган.

«ДУНЁ ТИБЕТ БОЛАЛАРИ НИГОҲИДА»

Самарқанддаги Йўлдош Охунбоев номи вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройида очилган янги кўргазма ана шундай деб номланди.

Уни шаҳарда фаолият кўрсатаётган тинчлик ва бирдамлик халқро музейи ҳодимлари уюштирди. Ўзбекистон муқаддас ослар жамиятининг Самарқанд бўлими кўргазмага ҳомилик қилди.

Тибетлик болаларнинг ихлод намуналаридан иборат кўргазма санъат ихлосмандларига катта қизиқти уйғотмоқда. Зеро, унда тибет мактабларининг энг сара, маъруфкор, ҳайлотта бой ва ранг-баранг тасвирий санъат асарлари ўрин олган. Қолаверса, кўргазмага ташириб буюрилган расмлар орқили бу ўқувчи-қўқонликларни гўзал табияти, ўзига хос урф-одати ва ағъна-лари билан танишишлари мумкин.

(ЎзА).

АКС-САДО

ИСЛОХОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кун кеча Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ақуларига ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Республика Президентининг йилнинг бошидаёқ гапнинг индигалосини айтди: «1996 йил ақуларини, эришилган натижалар ва шу билан бирга ислохотларни амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлили биз учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Чун-

ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ЙИЛИ

Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги нутқини тинглаб эканман, ҳаёлимдан кўп гаплар кечди. Айрим раҳбарларимиз ҳар йили чигит экиш мавсуми арафасида «Бу йил қолқоқлик доғини ювामиз. Сирдарё ўзининг аввалги юксак макенини тиклайди» деган баландларавоз гаплар билан уларни ҳам, ўзгаларни ҳам юпатмоқчи бўлишди. Бироқ улар бундай ваздаларни рўйга чиқмаслигини, аҳвол эски ҳаммом, эски тослигига қолаверини яхши билардилар. Ахир ўзининг уйлаги, апрель ойида шугорланган, шўри ювилмаган майдонлардан мўл ҳосил олиб бўладими?

Ўтган йилнинг куз фаслидан бошлаб эса вилоятда ишга муносабат ўзгариб. Дехоннинг ўн бешинчи кунига барча майдонлар 35-40 сантиметр чуқурликда шугорланган. Қатор масъулиятли лавозимларга ўзини ишда қўрсатган, мустақил фикрловчи, дехончиларни чуқур билладиган кадрлар тайинланди. Мен ҳам бу вазифага тайинланмасдан аввал хўжаликка раҳбар эдим. Ундан олдин эса узоқ йиллар турман техника таъмири ва таъминоти хизматини бошқар-

ганман. Сирдарёда техниканинг кадр қанақадор юқори эканлигини яхши билганман. Кўзда тутилгандаги ҳар бир механик, таъмирловчи ва механизатор ўртасида мусобақа ташкил этилди. Энг кўп ерни сифатли шугор қилган механизатор 10 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Янги йил байрамидан кейин Олим Хўжаев номидаги вилоят мусика ва драмалар театри бўлиб ўтган 50 нафар мусобақа қолибни тақдирлаш маросими эса ҳаққоний тантанаси тосини олди. Қўлаб мохир механик ва таъмирловчиларга қимматбаҳо совғалар, дам олиш уйларига бепул йўл-лампалар берилди. Менинг назаримда, бундай тақдирлаш меҳнатга ҳақ тўлаш ҳар қандай чакдорик ва шордан фойдаланарди.

1997 йил — вилоятда туб ўзгаришлар йили бўлади. Бунинг сабаби, чигит экиш мавсумига мавжуд 800 трактор ва сепка қўлқочан тахт қилиб қўйилган. Қўлабда асқотиши мумкин бўлган эҳтиёт қисмлар эса жамланди. Чигит экиш даврида меҳанизатор ва механикларни рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Бугунги кунда вилоятдаги 100 та хўжалик устaxonаларида сепка ва тракторлар мавсумига шай турибди. Дехон яхши умида, катта

ки 1997 йилги иқтисодий янгиланишларнинг устувор йўналишлари айнаманана шу асосда белгиланиши керак».

Мажлис хулосалари ва белгиланган устувор вазифалар жойларда эътибор билан ўрганилмоқда. Тахририятимизга кела бошлаган хат-хабарлар мазмунини шундан далолат беради. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

ЭРКИН ҲАКИМОВ, Сирдарё вилояти «Агроинтесервис» ҳиссдорлик бирлашмаси бошлиғи.

ҲАМКОРЛИКДА
ХИҚМАТ КЎП

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда Президентимиз 1997 йилда макрокотисодий барқарорлиқни сақлаб қолиш, барча ишлаб чиқариш тизимлари, жумладан, саноат корхоналарида ишчи-замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, маҳсулот экспорт қилиш ҳисобига «қаттиқ» валютага эга бўлиш ҳақида тўқталиб, бир қанча алоҳида таъкидланди: «Оддий бир ҳақиқатни англаб олишнингизни жуда-жуда истаيمان: қимми, қайси корхона ўзига чет эллардан шерик топмаган бўлса, унинг келажаги йўқ».

Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини корхонамиз мисолида ҳар кун қўриб, билиб турибмиз. Электр аппаратлари ишлаб чиқарувчи жамоамиз бор-йўғи

ярим йил аввал вилоятдаги мададаги муҳтож корхоналардан ҳисобланарди. Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси учун 37 турдаги бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришга киришган, ишимиз юришиб кетди.

Катта ҳажмдаги ишни амалга ошириш осон кечмаслигини тўғри тушунган раҳбарларимиз сира иккиланиб ўтирмай, чет эллардаги турдош корхоналарга мурожаат этишди. Натигада хориқ фирмалари билан истиқболли ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилди.

Бугунги кунда корхонамизда иш қизиган. Юқорида айтиб ўтилган бутлаш қисмларидан ташқари Россия, Украина, Белорусия давлатларига ҳам маҳсулотлар етказиб берамиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳамкорликда ҳиқмат кўп экан. Биз чет эллар билан алоқа ўрнатиб, сира кам бўлмадик. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз ҳам туриб қолмапти.

Павлатбек МАДАМИНОВ,
Анлизон «Электрроаппарат»
ҳиссдорлик жамияти йнгув
пехи бошлиғи.

УШБУ СОҲЛА:




[illegible]

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат

- Маҳсулот топшириб
уз улушини ололмаётган
фермерлар
- Устама фонди юқори
кредитлар


[illegible]

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯ ПАРВОЗИ



МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўз фаолиятининг беш йиллигини нишонлади



Авиакомпания халқро ва ички ҳаво йўлларида барқарор ишламоқда, учувчилар ва техник ходимлар янги техникани сабот билан ўрганишмоқда. Авиакомпаниянинг ўқув-машқ марказида учувчиларга узлуksиз таълим бериш тизими кўп жиҳатдан муваффақият гарови бўлди.

Бу ерда Ўзбекистон фуқаро авиацияси учувчилари ва техник ходимлари, шунингдек, минтақадаги бошқа мамлакатлар мутахассислари ўқитилади. — Миллий авиакомпания ташкил этилган, марказнинг иши ўзгарди, фаолият соҳаси кенгайди, — деди марказ директорининг биринчи ўринбосари В. Мартинович. — Масалан, илгари учувчилар ва муҳандис-техник ходимлар



ни янги ҳаво кемаларида ишлашга ўргатиш бизнинг вазифамизга кирмас эди, бу иш билан Ульяновскдаги ўқув маркази шуғулланар эди. Ўзимиз ҳам ўқиб-ўрганишимизга тўғри келди. Қийин бўлди, албатта, лекин ишнинг янги турларини аста-секин ўзлаштирдик, эндиликда ўзимиз

мутахассисларни касбларга ҳар томонлама ўргатиш, уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланамиз, барча зарур текшириш ишларини бажаряпмиз.

Бу вазифаларни бажариш учун ўқув-машқ марказида компьютер зали ташкил қилганмиз, барча экипаж аъзолари шу ерда тест синоидан ўтишлари шарт. Авиаторлар ўз назарий билимлари даражасини, худди шунингдек, ўзларининг соғ-саломат эканликларини ҳар кун тасдиқлашлари зарур. Бундан ташқари, марказда собиқ Иттифоқда ишлаб чиқарилган ва ҳозир миллий авиакомпания ҳам ички, ҳам халқаро йўлларда фойдаланаётган барча моделдаги самолётларнинг тренажёрлари мавжуд. Учувчилар шу тренажёрларда амалий машқларни бажариб, машинани бошқаришни ўрганадилар.

— Ҳар тўрт ойда экипажларнинг самолётни бошқариш кўникмаларини, муҳандис-техник ходимларнинг ҳар қандай вазиятда ўз вазифаларини бажара олишини текшириб тура-миз, — дейди инструктор Шавкат Собиров. — Инструкторлар экипажларга

хилма-хил топшириқ беришади, масалан, об-ҳаво шароити ўзгаргани, техниканинг носозлиги айтилади ва асбоблар ёрдамида биринчи ва иккинчи учувчининг, борт муҳандисининг ҳаракатларини, самолёт маршрутини кузатиб турадилар. Сунгра баҳо қўйилади. Баҳолар эса «аъло» ёки «тўрт» бўлиши керак. «Уч» баҳо олганларнинг самолётларда ишлаши тақиқланади. Айрим ҳолларда эса баҳо фақат «беш» бўлиши талаб қилинади. Бундай талабчанлик парвоз хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

Учувчилар, борт

муҳандислари, шунингдек, учувчилар тайёрлайдиган билим юрталарини битирганлар тренажёрда машқ қилиб, самолётларнинг ўзлари ҳали учмаган янги турларини ўзлаштирадilar, авиакомпаниянинг учувчилари шу ерда мавсумий тарздаги ўқиш билан мунтазам шуғулланадилар. Мақсад — касбга оид кўникмалар ҳосил қилиш, экипаж ҳар қандай ҳолатда ишлашга тайёр бўлиши учун турли вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатишдир. Бу қанчалик зарурлигини учувчилар яхши билишади.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ,
ЎЗА мухбири.

БАҲОР ЭПИК ҚОҚМОҚДА

Булоқбошилиқ деҳқонлар бу йил экин майдонларининг учдан бир қисмида плёнка остига чигит экадилар. Мавсумга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўраётган пахтакорлар 1500 гектар ернинг пуштасини олиб бўлишди. Андижон механика заводи ишчилари пахтакорларга янги технологияга асосланган сеялкаларни етказиб бердилар.

700 ГЕКТАРГА БАРАКА УРУҒИ ТАШЛАНДИ

Тумандаги Навоий номли, Жўраполвон номли ва бошқа ҳўжаликларнинг механизаторлари ўзларига бичитилган техника воситаларини баҳорги экиш мавсумига беками-кўст ҳозирлаб қўйдилар. Жўраполвон номли ҳўжалик трактор паркиннинг бошлиғи Фозилжон Абдулаевнинг айтишича, 36 чопиқ трактори, 17 сеялка ва 3 та комбайн тўла қўлдан чиқарилди. Бир неча ҳафтадан сўнг улар 700 гектар майдонга барака уруғи ташлайдилар. Шундан 300 гектарига плёнка остига чигит еклади. «Андижон технологияси» асосида пахта етиштириладиган майдонларнинг пушталари олиб бўлинди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МЕҲР ҚОЛУР

ЭРНАМУЗ
УЧУР
ИШЛАЯПТИ

Биз бугун тараққий этган жамиятда яшаймиз. Унинг меzonлари эса ҳар бир инсон шайи, кадр-қиммати ва ҳаётини нечоғлиқ асраб-авайлаш билан ўлчанади. Энг муҳими, ёш авлоднинг бахтиёр ҳаётини ҳар қандай манфаатларимиздан устун қўямиз. Қолаверса, жаҳон миқёсидаги қатор халқаро ташкилотлар ёш авлод бахт-саодати йўлида фаолият кўрсатапти. Бундай тузилмалар кўплаб мамлакатларда ҳам мавжуд.

Мамлакатимизда ҳам ёш авлод саломатлиги, фаровон ҳаётини таъминлаш масалаларига катта эътибор берилляпти.

«Соғлом авлод учун» ҳўқуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бевосита ана шу максadларга хизмат қилувчи тузилмалардан бири ҳисобланади. Бу ерда ёш авлоднинг соғлом, баркамол вояга етказиш билан боғлиқ бўлган тиббий, ижтимоий, инсонпарварлик ва молиявий-иқтисодий дастурлар амалга ошириляпти. Эътиборли жиҳати, унинг жойларда тузилган бўлимларига вилоятлар ҳокимлари раислик қилишади. Туманлардаги таянч масканлари эса тарғибот, тиббий-иқтимоий ва тарбиявий ишларни уюштиради. Тошкент давлат техника университети қошида ташкил қилинган «Соғлом авлод учун» коллежи улар учун малакали мутахассислар тайёрлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги қарорига мувофиқ, жамғарма неғизда тиббий-иқтимоий патронаж (ТИП) тизими ташкил этилди. У иқтимоий соҳада фаолият кўрсатаятган давлат тузилмалари куч-қайратини бириштириб, оилаларнинг тиббий-иқтимоий мониторингинг амалга оширади. Шунингдек, республика Соғлиқни сақлаш, Иқтимоий таъминот вазирликлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичлар (индикаторлар) ёрдамида оилалар, уларда яшайтган кишиларнинг жисмоний, моддий ҳама иқтимоий аҳолининг таҳлил қилиб боради. ТИПлар хизмати ҳам жойлардаги вилоят ва туманлар ҳокимларининг доимий назоратида бўлади. Бир сўз билан айтганда, мазкур тузилма асосан аёллар ва болаларни соғломлаштириш, турли касалликларнинг олдини олиш юзасидан аҳоли ўртасида тушунириш ишлари олиб борапти.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутатси Гулнора Йўлдошеванинг айтишича, бу уларнинг зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди. Боси, бугунги кунда соғлом авлоднинг тарбиялаш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол вояга етказиш учун шарт-шароитлар яратиш масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шундай экан, жорий йилда бу борадаги Президент фармонлари, ҳўқумат қарорлари ҳамда жамғарма низомига мувофиқ соғлом авлод тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби қатор муҳим вазифаларнинг ҳаётга таъбиқ қилишда, аинқас, фаол ҳаракат қилиш лозим бўлади. Ана шу масалалар эътиборга олинган ҳолда, жамғарманинг 1997 йилга мўлжалланган тиббий-иқтимоий, гуманитар ва инвестиция дастурлари ишлаб чиқишга, амалга оширишга киришилди.

Умуман, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси аниқлаб олган истиқбол тадбирларининг кимови жуда кенг. Уларнинг ижросини таъминлашда бир ханга маҳаллий ҳамада хорижий фирмалар ва кўшма корхоналар билан ҳамкорлик қилиш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, республикамизда ота-онасиз, етим ёшлар учун «Болалар кишлоғи» қурилишига «SOS KINDERDORF INTERNATIONAL» халқаро жамғармасининг 10 миллион АКШ доллари миқдоридagi пул маблағини жалб этиш мўлжалланмоқда. Бундан қўзланган мақсад — ана шундай меҳрга мутож болалар учун уй шароитлари яратиш, уларга чуқур таълим-тарбия беришга кўмаклашишдан иборат. Аини пайтда кишлоқнинг архитектура-қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилди.

Рафур ШЕРМУХАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ:

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТДА УНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

БУ МУҲИМ ҲУЖАТ 1 МАРТДАН КУЧГА КИРАДИ

Мамлакатимиз ўз давлат мустақиллигига эришган илк дамлардан демократик ва ижтимоий адолатли жамият барпо этиш вазифасини кун тартибига қўйди. Бу, шубҳасиз, иқтисодий соҳада бозор муносабатларини қатор топтириш билан узвий боғлиқдир. Зеро, демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш масаласига комплекс ёндашувни тақозо этади.

Ҳар бир даврнинг муайян талаб ва меzonлари бор. Давлат ва шахс, давлат ва фуқаролар, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳуқуқий давлатнинг моҳиятида ўз ифодасини топади. Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Конституциясининг муқаддима қисмида жамиятнинг асосий вазифаларидан бири — инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш эканлиги тасдиқланган. Жумладан, 15-моддала давлат ва унинг органилари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қилишлари ўқитиб ўтилди. Фуқаролик кодекси лойиҳасини тайёрлашда ана шу томонидан келиб чиқилди. Бунинг сабаби маълум, албатта.

Биринчидан, ҳуқуқий давлатда қонун устуворлиги белгиланган экан, энг аввало, жамият аъзолари риоя қиладиган қонунлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган ва ижтимоий муносабатларнинг жами асосий турларини ўз таъсир доирасида тутган бўлиши лозим. Қайси соҳада, бу борда тартибга солиш қонун мавжуд бўлмасин, ўзига хос «бушлиқ» вуқудга келди. Оқибатда ижтимоий адолат принципларига пўтур этади, давлат ва халқ манфаатларига эид ҳолатларнинг кўпайишига имкон туғилади. Бунга йўл қўйиш асло мумкин эмас.

Фуқаролик кодексининг ҳуқуқий давлатда тутган ўрни ва аҳамиятини яққол тасаввур қилиш учун унинг кишилар ўртасидаги мулкий, ахлоқий ва ижтимоий муносабатларини тартибга солишчи муҳим қомус эканлигини эслаш киришди. Ўшбу ҳолат «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси» таркиби ва соҳасида ҳам ўз ифодасини топади: у 1000 дан зиёд моддалар иборат бўлиб, амалдаги ҳеч қайси кодекс ҳамми бўйича унга тенгласа олмайдми.

Иккинчидан, Фуқаролик кодекси ҳуқуқшунослик соҳасининг муҳим манбаи саналади. Бошқача айтганда, у нафақат ҳуқуқий қафолат, балки том маънода тартибга солишчи норматив ҳужжат ҳамдир. Кодекс фуқаролик қонуни сифатида кишиларнинг ҳуқуқий турмушида алоҳида ўрин тутади. Қонунга риоя қилиш эса барча учун мажбурийдир. Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишчи билан фуқаролик ҳуқуқий доираси кенгайди. Аини кунда хилма-хил ҳўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролик кодекси ана шу субъектлар учун ҳам нормал фаолият ва ҳаракат қоидаларини белгилаб беради. Лекин яна бир жиҳатини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Дейлик, субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда барча ижриқчиларнинг тартибга солинган ҳолат билан

субъект эркинлиги, ташаббускорлиги, мустақиллиги ўртасида қандай мувозанат белгиланган маъқул? Бу масала қонун устуворлиги амал қиладиган ҳуқуқий давлат учун жуда муҳимдир.

Узини-ўзи маълум, маъмурий-буйруқбозлик тизимида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қаттиқ назорат остида бўлиб, уларни турли интрукциялар, низоомлар, директивалар билан чеклаб қўйиш оддий ҳол эди. Ҳуқуқий-фуқаролик муносабатларида субъектлар эркинлиги масаласи кодекснинг 1-моддасида ўз ифодасини топади. Бунга кўра, фуқаролик қонуни ҳужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлиги ҳамда шартноманинг эркинлигига, ҳусусий ишларга ўзбошимчилик билан аралашшга йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўққинликсиз амалга оширилиши ва бузилган ҳуқуқларини тиклашни суд орқали қаролатилишига асосланади. Фуқаролар жамъиёнинг шахслик ва юридик шахслар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини, қонун ҳужжатларига эид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини белгилашда эркинлиқлар. Тоғварлар, хизматлар ва молиявий маблағлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатда бўлади. Хавфсизлигини таъминлаш, кишилар ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликларни асраш учун зарур бўлган ҳолларда, товарлар ва хизматлар ҳаракатини чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳуқуқий давлатда қонун устуворлигини таъминлайдиган яна бир муҳим омил — бу ҳуқуқий фуқаролик нормаларини шакллантиришдир. Агар фуқаролик қонунлари кундалик ҳаётимизда асосий тартибот ҳужжатлари эканлигини назарда тутсақ, масала ўз-ўзиндан ойдинлашади. Тасаввур қилинг: жиноят қонунида пухта ишланмаган норма мавжуд бўлса, бундан ўша норманинг таъсир доирасидagi кишиларгина азийт екадилар. Маболо фуқаролик қонунини ҳаттоликка йўл қўйишча-чи, ҳамма!

Бундай ҳол эъ бермаслигини учун Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун нормалари пухта ўйланган, илмий асосланган, турмуш тажрибасидан, илгор урф-одат ва аъналалардан келиб чиққан, адолат, инсоф, меҳр-оқибат, ҳақиқат тушуначалари одиллик меzonлари орқали баҳоланган бўлмоғи шарт. Шундангина у одамлар томонидан сўзсиз ижро учун

қабул қилинади ва узоқ яшайди. Яқин ўқишга назар ташлайдиган бўлсак, тоталитар тузум даврида ҳам фуқаролик қонуни ҳўжатлари мавжуд эди. Уларга асосан талбиркорлик ва ҳусусий мулк қонундан ташқари, деб эълон қилинган, тенглик ниқоби асосида бир текисчилик (ептасица қашшоқлик)ни тарғиб қилиш оддий ҳолга айланган эди. Бу эса жамият ва тараққиёт қонунлигига муноқаро эидир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда доимий, барқарор фуқаролик кодекслари ишлаб чиқилган. Чунончи, Францияда қариб икки аср, Германияда бир асрдан буён ана шундай ҳужжатлар амалда.

Республикамизда янги Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши соиал нормаларнинг ҳуқуқий давлатгаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги тушуначаларни тўдан ўзгартириб юборди. Эндиликда иш муоамаласи одалари, маҳаллий удул ва аъналаларга ҳуқуқий-фуқаролик муносабатларини тартибга солиш манба сифатида қаралдиган бўлди. Бу ҳолат Кодекснинг 6-моддасида ўз ифодасини топади. Иш муоамаласи одалари тушунчаси тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вуқудга келган ва кенг қўлланиладиган ҳуқуқ-аъвор нормаларини ўз ичига олади. Бу, шубҳасиз, умумий ҳуқуқ назарияси учун ҳам, фуқаролик ҳуқуқи фани учун ҳам фойдали муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, янги адолатли демократик жамият кишиларда юксак ҳуқуқий он ва маданиятни шакллантиришнинг тақозо этади. Илгари биз буни назарий асосларда талқин қилиб келардик. Эндиликда шароит ўзгарди. Инсон истеъдоди ва лаъқатини юзага чиқариш учун янги имкониятлар вуқудга келмоқда.

Бозор жарасининг асосий унсурларидан бўлган иқтисодий шартномаларини олайлик.

Улар тарафлар ўртасидаги келишув белгиси сифатида ўзига хос ҳусусий-ҳуқуқий ижодкорлиқнинг намунасирид. Гап шундаки, шартнома тузиш, ижро этиш, шартнома интизомига риоя қилиш ҳуқуқий онг ва маданият муаммоси билан бевосита боғлиқ. Тарафларнинг ҳуқуқий савияси юқори бўлса, шартномада белгиланган шартларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлиги тўла таъминланади, шартнома мажбуриятларини ижро этишда муаммо вуқудга келмайди, турли хил низооларга ўрин қолмайди. Энг асосийси, жамиятдаги мулкий муносабатларнинг шартнома асосида ташкил этиш ҳар бир субъект ва бутун жамиятнинг иқтисодий неғизини мустақамлашга, турмуш фаровонлиги ва мўл-қўлчиликни оширишга хизмат қилган бўлур эди.

И. ЗОКИРОВ,

Тошкент давлат юридик институтини «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси муллри, юридик фанлари доктори, профессор.

ЙИЛЛАР ВА ОДАМЛАР

ЭЗГУЛИК ШАРОФАТИ

«Умр — киприкка илинган ёш», деган экан машойихлардан бири. Бу анчайин эътироф эмас, балки абадиётга, хайрли ишларга чорловдир.

Зеро, худо берган «омонат» умрини буюк иноят, деб билгувчи кишилар учун ҳаёт ўз мазмунига эга. Эл-юрт уларни ҳаммаша ардоқлайди, иззатини жойига қўяди. Жўра Хоназаров ана шундай обрў-эътиборга сазовор бўлган фидойи, тиниб-тинчимас инсонлар тоифасидан. Отақоннинг сардафтарини арақласангиз, бир-бирдан бой ва мазмунли саҳифаларга дуч келасиз. Аммо ҳозир биз бу ҳақда эмас, яшашнинг маъносини эзгуликнинг шарофати хусусида мухтасар сўз юритмоқчимиз.

Хикоямизни нимадан бошламас экан? Келинг, борини айтиб қўя қолайлик: Жўра Хоназаровнинг тақдирини кураш ва галабаларга уйғун бутун бир мактабдир. Шу боис кўпни кўрган инсон, меҳнат фаришси сифатида уни турли давраларга, учрашуларга таклиф этиб туришади. «Ўз ҳақингизда га-

пириб беринг», деб кистовга олишади. Нимани ҳам гапирсин? Ахир йиллар бир-бирини қувиб ўтаверди. Жўра ота учун бу йилларнинг салмоғи ва сабоғи унутилмасдир. Қирғинбарот уруш бошланганда, у «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозида бош-ағроном эди. Одам етишмаганидан ўзи кетмон чопган, қўш ҳайдаган пайтлари кўп бўлган. Шароит ниҳоятда огир эди.

Боғ-роғларни кенгайтириш, янги мактаблар, йўллар, боғчалар, спорт иншоотлари барпо этишда бош-қош бўлди. Булар — отанинг ҳаётда қолдирган хайрли изларидир. Кейинчалик Ўзбекистон Совхозлар ва Кишлоқ ҳўжалиги вазирликларини бошқарди.

— Тенқурларим ҳазиллашиб, мени «чўлқувар» дейишади, — қўлимсираб хикоя қилади Ж. Хоназаров. — Чунки умримнинг салкам ўн йили Мирзачўл

билан боғлиқ. «Голодно-теплой» бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари ва бошлиғи бўлиб ишлаганман. «Қизил» сиёсат хуруж қилган таҳликали пайтлар эди. Сал чаккироқ қадам ташласанг, бошинг билан жавоб берардинг. Яратганга шукур, мана, мустақиллик бахтига ҳам мушарраф бўлдик. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

Республикамизда отанинг номини эшитмаган, билмаган киши ҳам бўлса керак. Шогирдларини суриштирсангиз, бу ёғи Қозғистон, у ёғи Қорақалпоғистон ва Тожикистондан топасиз. Жўра ота қуйди-пишди, камтарин бўлгани билан «чўлқувар» мақтовларни хуш кўрмайди. Ҳаётдаги камчиликларга мурасисиз. Гап эл-юрт манфаатига бориб тақалар экан, ҳеч кимни «аяб» ўтирмайди.

Ж. Хоназаров ҳамон қизгин фаолият билан банд. Унинг йигитлардек шахду ғайратига кўпчилик ҳавас қилади. Фарзандлардан тинчиган. Невада-чеваралари ҳам бир этак. Уларнинг дуойи ва

нини қилиб, тинчгина яшаши ҳам мумкин эди. Қарилликка «буй» бермаган ота-қон бунни ўзига эп билмайди. Аини кунда республика «Нуроний» жамғармаси Қиёрий туман кенгашининг раиси сифатида фаол иш олиб бормоқда. Уруш ва меҳнат фаришларини ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни Ватанга садоқат, миллий аънана ва урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, унут бўлган тарихий номлар ва қадриятларни тиклашга қаратилган муҳим тадбирлар амалга ошириляпти. Отанинг бевосита сазй-ҳаракати билан туманда истиқомат қилаётган мингга яқин фаришларнинг хонадонлари телефонлаштирилди. Тўшақда ётиб қолган 126 нафар отақон ва онақон тегишли корхона-ташкилотларга бириктириб қўйилди. Уларнинг ҳолатини ўз вақтида хабар олиниб, зарур моддий ва

маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Хўжақўрғон қишлоғида фаришлар кучи билан янги боғча биноси барпо этилди. «Нуроний»га қарашли истироҳат бонди, «Фариҳия» дўконини мундаги отақон ва онақонлар хизматиди.

— Узоқ умр кўришинг сирини нимада? — сураймиз Жўра отадан.

— Меҳнатда. Эл-юрт ишига қамарбаста инсон «сиртдан» қаригани билан қалбан ёш бўлиб қолаверди. Муҳими, фаол ҳаракатдан тўхтамаслиқдир.

— Кишилардаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?

— Журъат, адолатпешалик, меҳр-саховатни. Буюқ ҳадисларда ҳам шундай дейилган.

Зар қадрини заргар билди, дейди халқимиз. Аслида ҳам шундай. Ж. Хоназаров каби табаррук отақонларнинг эзгу мақсад йўлидаги меҳнат ва интилишларини ҳар қанча улуғласак арзийди.

Носир ТОНШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Балиқчи туманидаги «Намуна» жамоа ҳўжалиги хотин-қизлар кенгаши раиси Дилоромхон Муҳитдинованинг ере, деҳқончиликка ихлоси баланд. Ўз ташаббускорлиги, ҳар бир юмушга масъулият билан ёндашиши боис ун қолоқ бригадасида бошлиқ этиб сайланган. У бошлиқ жамоа бу йил 55 гектар ерга плёнка остига чигит экиб, гектаридан 50 центнердан зиёд ҳосил олишга аҳд қилган. Бригадаси қарашли 20 гектар таллазорининг ҳар гектаридан эса 70 центнердан ҳосил етиштирилади.

Аини кунларда далаларда экин мавсумига ҳозирлик қуриляпти.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Д. Муҳитдинова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

